



“ИСТИҚЛОЛ ВА ФИТРАТ”

мавзусидаги анъанавий
республика
илмий-амалий анжумани

МАТЕРИАЛЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕК АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ

ИСТИҚЛОЛ ВА ФИТРАТ
Республика миқёсидаги анъанавий илмий-
амалий анжуман материаллари

2017 йил, 6 - 7 апрель

Бухоро

Тушов бўлди эрки элга,
Сархуш этди мисли шароб,
Ох, алдандик, алдандик-о!...

Шу тарзда шоир дoston саҳифаларида юрт, халқ учун фидойилик кўрсатган, бироқ қатағон қурбони бўлган Фитрат сиймосини гавдалантириб беради.

Асар хотимаси шоирнинг Бухоро улуғлари ҳақида айтган фикрларини бир жойда жамулжам этади:

Ажаб ўн икки фарзанди –

Бухоро ори, номуси.

Ажаб ўн икки дилбанди –

Бухоро бори, қомуси[1,268].

Умуман олганда, “Бухорийлар ёки ўн икки юлдуз ҳақида кўшиқ” дoston назариясини чуқур эгаллаган олимнинг бадиий ижоди маҳсули сифатида қимматлидир. Халқимиз “қомуси”га айланган буюк шахсларнинг ҳаёти, Ватан, миллат йўлидаги фидойиликлари ўсиб келаётган авлодни баркамол қилиб тарбиялашда беминнат хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Сафаров О. Болалигим қолган кўчалар. – Тошкент: “Мухаррир”, 2010. – 278 б.

ФИТРАТ ШЕЪРЛАРИДА ГУЛ ОБРАЗИНИНГ ТАЛҚИНЛАРИ ХУСУСИДА

Гавҳар Рустамова, магистрант [БухДУ]

Кўпгина ижодкорлар қатори Абдурауф Фитрат яратган шеърларининг халқ кўнглига тез етиб боришини кўзлаб, фольклор асарларига хос анъанавий образ ва мотивлардан унумли фойдалангани кузатилади. Маълумки, гул халқ шеърий асарларида энг кўп учрайдиган анъанавий образлардан биридир. Шу жиҳатдан қаралса, Фитрат шеърларида ҳам гул образининг алоҳида ўрин тутганига ва турлича талқин этилганига шоҳид бўлиш мумкин.

Шоир Фитрат гул образини гоҳ рамз, гоҳ метафора, гоҳ истиора сифатида қўллаб, шеърларининг ўзига хос таъсирчанлигига эришган. Айтайлик, у “Ўзбек ёш шоирлари” тўплами таркибидан ўрин олган “Ким деяй сени?” шеърида маъшуқага тўппадан-тўғри “қип-қизил гулим” истиорасини қўллаб, мурожаат қилади:

Қип-қизил гулим, ёп-ёруғ ойим,
Кетмай тур бир оз мен кўрай сени.

Бироқ, шу шеърнинг кейинги бандида шоир маъшуқага “гулми сен” дея, тажохули орифона санъати воситасида мурожаатда бўладики, маъшуқа ошиқ шоирнинг бу саволига жавоб қайтармайди.

Гулми сен, кўзим, жонми сен кўзим?

Кўнглимнинг бути ё худосими?

Нихоят, шоир ружуъ килиб, “Билмадим, гулим, айт ўзинг кулиб, Ошиқинг нечук атағай сени?” [1, 35] – дея, тагин маъшуқасига “гулим” мурожаати ва таърифидан афзали йўқлигини тан олади. Дарҳақиқат, фольклор анъанаси бўйича маъшуқани нозиклиги ва гўзаллиги туфайли гулга менгзаш азалий таомиллардан биридир. Ёшлигидан фольклорга зўр ҳавас билан улғайган Фитрат бу анъанани яхши билиб, ўз ижодида давом эттирган.

Шоирнинг “Бир оз кул” шеърида ҳам ёрга гул деб мурожаат қилинганига гувоҳ бўлиш мумкин:

Қизил гулим бошқаларга кулар-да.

Қизил гулим, борлигимнинг султони!

Қизил гулим, қора кўзим, тилагим,

Дунё сенинг боқишингдан ўргилсин.

Мазкур мисраларда Фитрат “қизил гулим” мурожаатини мисралар бошида такрор ҳолда келтириб, анафора санъатини ҳосил қилишни кўзда тутгани равшанлашмоқда. Умуман айтганда, Фитрат кўпроқ маъшуқага мурожаат қилишда “гулим”, “гулистоним”, “райҳоним”, “жон чечагим” сингари истиоралардан фойдалангани кўзга ташланади. Масалан, у “Гўзалим, бевафо гулистоним” шеърида

“Гўзалим, бевафо гулистоним”,

Боғ умримда тоза райҳоним.

Кел гулим, кел, аёқингга йиқилай,

Бир замон кўй: тўлиб-тошиб йиғлай, – деб ёзса,

“Ишқимнинг тарихи” [...га] шеърида :

Билмасдан ердагиларнинг дунёсин нақ ёритардинг,

Қолдиқча бўйла хабарсиз ишқимдан, жон чечагим, сен, –

дейди.

Фитратнинг “Аччиғланма деган эдинг” шеърида гул сўзи умид сўзи билан боғланиб, “умидимнинг гули”, “умид гули” бирикмалари кўринишида кўчма маънода қўлланилган:

Аччиғланмам сенга, нозли куёш,
Ёндирсанг-да умидимнинг гули.
Борсун, ёнсун, умидимнинг гули;
Кўкка учсун юрагимнинг кули.

Ёки яна:

Умид гули бизим учун ҳам туғар:
Қайғурмагил, сира, эй ҳақ туйғуси!

Яна Фитрат “Нега бўйла?” шеърида гулни қадимги туркча “чечак” сўзи орқали ифодалаб, “армон чечаги” образини ҳам кўчма маънода ифода этмоқда:

Сен келгач,
Хаёлим
Умид, армон чечаклари очилган.

“Бехбудийнинг сағанасин изладим” шеърида у “армон гули” образини келтирган:

Ҳақсизлик шаҳрининг қон ҳидли ели
Армоним гулидан бир япроқ узуб,
Баҳорсиз чўлларга совуриб кўйди.

Лекин Фитрат гул образини баъзан кўчма, баъзан реал маънода қўллагани кузатилади. Масалан, у “Нега бўйла?” шеърида гулни “йўлига гул сочиш” удумига мувофиқ ўз маъносида қўллагани кўриниб турибди:

Сен келгач...
Шеърим учун
Қизил гуллар тўшалган,
Юлдузлар-ла безалган.
Энг кенг бир йўл очилди.

Фитратнинг “Шоир” шеъридан олинган қуйидаги мисралар орқали гулнинг вақтга кўра турлари борлигини илғаш мумкин. Дарҳақиқат, гуллар баҳорий, ёзги, кузги, қишки турларга эга бўлиши маълум. Шоир бу жиҳатдан ёз гулига кўпроқ ишқибозлигини билдириб ўтган:

Ёз гулининг япроғидан тўқилган
“Сўз”лар илан ўраб бизга топширар.

Шоир “Шарқ” шеърида “Қардошларим, мана сизга бир ўлкаким, у ер юзида топилмас сингари, ҳар ёнида кенг, ям-яшил учмоҳлар, унинг гуллари жон сувиндан етишгандир, оғочлари

яшил кийимлар кийган бўлиб, танрига топинғали эврилишар” дея таърифлаб, шу орқали юртни мадҳ этади.

Хуллас, Фитрат ўзбек халқ ижодиётининг чуқур билимдонларидан бири сифатида унинг анъаналарини яратган асарларига маҳорат билан сингдира олган иқтидор соҳибларидан биридир.

Адабиётлар:

1. Фитрат А. Танланган асарлар. 1-жилд. -- Т.: Маънавият, 2000.

Мундарижа

Тўлаганов А.А. Истиклол ва Абдурауф Фитрат.....	3
<u>Фитрат насри ва шеъриятининг ўзига хос хусусиятлари</u>	
Жабборов Н. Фитрат ижодида Шарқ ва Ғарб маданияти талқини.....	6
Ўраева Д., Тўраева Л. Фитрат шеърларида қушлар образининг рамзийлаштирилиши.....	13
Ҳасанов Ш., Қувватова Д. Фитрат шеъриятида бадиий шакл ва мазмун янгилаштирилиши.....	16
Қувватова Д., Ўроқова Н. Замонавий дostonларда истиклол фидойиси тимсоли.....	19
Муродов М., Саидова Р. «Абдурауф Фитрат» шеърининг семиотик таҳлили.....	23
Жамилова Б. Абдурауф Фитратнинг бадиий-публицистик асарларида истиклол ғояси	29
Имомова Г. «Қиёмат» ҳикоясида адиб маҳорати.....	33
Каромова Ш. Фитрат – шоир ва шеършунос.....	36
Ҳамроева О. Фитратнинг “Ўзбек адабиёти намуналари” мажмуасида Лutfий ижодининг акс этиши.....	38
Қодирова Н., Қодирова Н. Курашчан шеъриятнинг бадиий жилоси.....	44
Sodiqova Д., Sodiqov E. Fitrat she`riyatida ma`rifatparvarlik g`oyalari.....	47
Қодирова Р., Тошева Д. Охунжон Сафаровнинг “Бухорийлар ёхуд ўн икки юлдуз ҳақида кўшиқ” дostonида Фитрат сиймоси.....	49
Рустамова Г. Фитрат шеърларида гул образининг талқинлари хусусида.....	51
<u>Фитрат драматургияси ва жаҳон адабиёти</u>	
Сафарова Ҳ. Абдурауф Фитратнинг драматурглик фаолиятига бир назар.....	54
Ахмедов Б. Идеи гуманизма в творчестве жадидов Бухары.....	58
Imomova G. Fitrat – dramaturg.....	61
<u>Фитратнинг адабиётшунослик фаолияти</u>	
Ҳаққул И. Навоий ва Фитрат.....	64
Ахмедова Ш. Адабий танқид жанрлари кашшофи.....	67